

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАНКЕЛДИЕВА ГУЗАЛ ШЕРОВНА

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
КОРПОРАЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ

08.00.13 – Менежмент

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ханкелдиева Гузал Шеровна

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни

бошқаришнинг илмий-методологик асослари.....3

Ханкелдиева Гузал Шеровна

Научно-методологические основы управления корпорациями в условиях

модернизации экономики.....33

Khankeldiyeva Guzal Sherovna

Scientific and methodological fundamentals of corporate governance in the context
of economic modernization.....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....67

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАНКЕЛДИЕВА ГУЗАЛ ШЕРОВНА

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
КОРПОРАЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ

08.00.13 – Менежмент

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1DSc/iqt127 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий маслаҳатчи: | Гулямов Саидахор Саидахмедович Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иктисодиёт фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Йўлдошев Нуритдин Қурбонович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Хашимов Ақром Абдиевич иктисодиёт фанлари доктори, профессор Суюнов Дилмурод Холмуродович иктисодиёт фанлари доктори, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49- уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю.Ходиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н.Самадов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А.Махкамова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда корпоратив бошқарувга бўлган муносабат XX асрнинг 90 йилларидан янада ортиб, корпоратив тузилмаларни шакллантиришга турли даражаларда тараққий этган давлатлар алоҳида эътибор қарата бошладилар. Бу даврга келиб, корпоратив бошқарув тамойиллари жорий этилиб, халқаро глобал трансмиллий корпорациялар ташкил топди, корпоратив бошқарув моделлари жорий этилди. Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлар амалиётида корпорацияларни назарий-услубий жиҳатдан ўрганиш, уларни бошқаришда стратегияларни танлаш, акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув муаммоларини комплекс тадқиқ этиш бўйича кўплаб амалий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, жаҳон амалиётида корпоратив бошқарув тизимининг ўзига хос бир-бирдан ажралиб турадиган 3 та тури: инглиз-америка, германия ва япон моделлари кенг қўлланиб келинмоқда.

Жаҳон тажрибалари кўрсатадики, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарув тамойилларини кенг жорий этиш, бошқарув фаолиятига халқаро стандартларни татбиқ этиш учун, аввало, корпоратив бошқарув механизмнинг замонавий амалиётини ўрганиш асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Чунки, жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида стратегик аҳамиятга молик тармоқларни модернизациялаш, техник-технологик янгилаш, акциядорлик жамиятлари фаолиятини корпоратив бошқариш самарадорлигини илмий-методологик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий вазифаларидан бири кўп укладли иқтисодиёт муҳитини яратиш, мулкни ҳақиқий эгалари қўлига бериш, уларга тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятларни яратиш бўлди. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг фаолияти ва бошқарувини яхшилаш мақсадида бир қатор ўзгаришлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда янги талаблар ишлаб чиқилиб, корпоратив бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Корпорацияларни бошқаришда самарали механизмларни жорий этишда ҳали ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, буларнинг сарасига давлатнинг манфаатли иштирокчи сифатида корпоратив секторда юритиши лозим бўлган самарали сиёсатини илмий асослаш, корпорациялар бошқарувининг халқаро тамойилларини Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этиш, хусусийлаштирилган мулкий муносабатлар тизимида жамиятнинг мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи илғор корпоратив бошқарув механизмининг яратиш масалаларини илмий асослаш долзарб масала ҳисобланади. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ҳам акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва самарали бошқаришни ташкил қилиш жараёнларига «корпоратив бошқарувнинг

замонавий стандартлари, принциплари ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»¹ каби муҳим вазифалари белгилаб берилди. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши иқтисодий-модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар ҳамда 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий-технологик шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Корпорацияларни бошқаришнинг иқтисодий назарий-услубий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини шакллантириш, акциядорлик жамиятларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги ва уни фаолият юритиш самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини оптималлаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан, Singapore Management University (Сингапур), China National Renewable Energy Center

¹ «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎЗР Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон, 70-модда.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Savard K., Wickramarachi H., Ross C., Prabha A. Global Opportunity Index: Attracting Foreign Investment // Milken Institute, USA, 2013; A Corporative Study of Investment Attractiveness of Nations and Regions // Singapore Management University, 2000; Stokov A., The methodological aspects of assessing the attractiveness of investments made into financial assets and real projects // Financial University under the Government of Russian Federation, 2014; Hui Z., The Study on the Attractiveness to Foreign Investment in R&D of Shandong Province // School of Economics, China// Baums T., Corporate Governance in Germany: System and Recent Developments//M.Isaksson, R.Skog (eds.), Aspects of Corporate Governance. - Stockholm: Juristforlaget 2007;//Kim K., Nofsinger J., Mohr D. Corporate governance. - Prantice Hall, 2009//Роговая Н.Д., Крылова К.Л. Управление корпорациями с государственной долей управления//Санкт-Петербургский университет экономики и управления, //Попов А.В. Управление корпорациями в акционерных обществах 2005.// Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш. – Иқтисодий-технологик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати- Т., 2007.//Расулов М.Н. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида). Иқтисодий-технологик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Т., 2010.

(Хитой Халқ Республикаси), Kyung Hee University (Жанубий Корея), Deutsche Energie Agentur GmbH (Германия), General Electric USA (АҚШ), National Development and Reform Commission (Буюк Британия), Санкт-Петербург иқтисодиёт ва бошқарув университети (Россия Федерацияси) ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Жаҳонда электроэнергетика соҳасида корпоратив бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бунда энергетика соҳасида самарали бошқарувни ташкил қилиш механизмлари ишлаб чиқилган (Institute of General Electric and Research), энергия манбалари ва энергетика тизимларини бошқариш самарадорлиги муаммолари ўрганилган (Deutsche Energie Agentur GmbH), энергетика соҳасида махсус энергия харид тарифлари ҳамда «яшил» тарифлар деб аталувчи нарх сиёсатини амалга ошириш шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватланиш механизмлари тадқиқ этилган (General Electric USA); электроэнергетика тармоғига жалб қилинган давлат ва хорижий инвестицияларни бошқариш масалалари ўрганилган (Kyung Hee University), йирик корпорацияларга жалб қилинган инвестициялар жозибадорлигини баҳолашнинг моделлари ишлаб чиқилган (Singapore Management University); корпорацияларда молиявий механизмларни бошқарув бўғинларида қўллаш масалалари ўрганилган (National Development and Reform Commission); корпорацияларни бошқаришда замонавий ёндашувларнинг иқтисодий самарадорлигини инобатга олган ҳолда, давлат улуши бор акциядорлик жамиятларини бошқариш ва уларни самарадорлигини ошириш муаммолари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург иқтисодиёт ва бошқарув университети); интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш тенденциялари ва корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганиб чиқилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети).

Жаҳон энергетика соҳасида корпорацияларни самарали бошқаришнинг қатор устувор йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, яъни электроэнергетика тармоғида корпорацияларни бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш; корпорацияларни самарали бошқаришнинг замонавий услубларини яратиш; электроэнергетика тармоғини модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш; соҳани инновацион ва барқарор ривожланишини таъминлаш каби масалалар шулар жумласидандир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий корпоратив менежментнинг турли йўналишлари ва таркибий қисмларини ишлаб чиқиш хорижлик олимлардан А.Берли, П.Дойль, С.Доннел, Е.Розенбаум, У.Кинг, С.Майерс, Г.Минз, Ж.Эткинсон ва бошқалар томонидан атрофлича ўрганилган³. Ушбу тадқиқотларда корпорацияларни бошқаришда стратегияни танлаш ва корхона менежментини ривожлантириш масалалари

³ Berle A.A., Means G.C. The Modern Corporation and Private Property. Commerce Clearing House, Chicago, IL, 1992- pp. 68-87; Rosenbaum E.F., Bonker F., Wagener H. – J.(2000) Privatisation in Context: An Introduction, in Privatisation, Corporate Governance and the Development of Markets, London: Macmillan 2000, - 347 p.

тадқиқ этилган.

Самарали корпоратив тузилмаларни такомиллаштириш масалалари Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари (МХД) олимларидан И.Ансофф, В.А.Антонов, Л.И.Абалкин, С.А. Карнаухов, В.Р.Ковалёв, В.В.Крылов, А.Ю.Кузьмичев, Д.М.Радыгин, И.А.Храброва, Л.В.Шишкин, Ю.Д.Якутин ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг баён этилган⁴.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан С.С.Гулямов, Н.К.Йўлдошев, Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Икрамов, М.А.Махкамова, Д.Н.Раҳимова, А.А.Хошимов, Д.Х.Суюнов, Н.М.Расулов, М.С.Саидов, М.Б.Хамидулин, Р.И.Яушевларнинг⁵ тадқиқот ишлари корпоратив бошқарув жараёнларини илмий-назарий асосларини яратишга қаратилган. Уларнинг илмий изланишларида, мулк шакллари трансформацияси, корпоратив бошқариш моделларини мукамаллаштириш, акциядорлик корхоналарни ривожлантириш жараёнидаги масалаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, А.А.Хошимовнинг тадқиқотларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив тузилмаларни бошқаришни ривожлантиришнинг илмий-методологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган⁶. Р.И.Яушевнинг илмий изланишлари интеграцион корпоратив тузилмалар ва таъсисчилар капиталида давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш муаммоларига бағишланган⁷. М.Б.Хамидулин⁸ фонд бозорини ривожланиши, акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгашининг роли ва аҳамияти масалалари устида фикр юритган. Ўзбекистонда акциядорлик

⁴ Ансофф И. Новая корпоративная стратегия / под ред. Ю.Н. Каптуренского.- СПб: «Питер», 1999.- 416 с.; Антонов В.Г., Крылов В.В., Кузьмичев А.Ю. и др. Корпоративное управление: учебное пособие / под ред. В.Г.Антонова. – М.: ИД “ФОРУМ”: ИНФРА-М, 2010. – 288 с.; Иванов И.Н. Менеджмент корпорации: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. - 368 с.; Иванова Е.А., Шишкина Л.В. Корпоративное управление: учебное пособие / под ред. проф. В.Ю. Наливайского. – Ростов н.Д.: “Финикс”, 2007. -256 с.; Ковалёв В.Р. Корпоративное управление в России: теория, структура и новые стратегии развития. Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. Дисс. на соиск. учен. степ. д.э.н. – Санкт-Петербург, 2004.-285 с.; Корпоративная стратегия: Пер. англ. - М.:«Альпина», 2008. - 266 с.; Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. Афффилированные лица, организационное проектирование, интеграционная динамика: - М.: ИД «Альпина», 2000. - 198 с.

⁵ Гулямов С.С. Задачи совершенствования системы корпоративного управления в Узбекистане. //Корпоративное управление в Узбекистане. Материалы научно-практической конференции. Т.: 2004. с.143-145; Д.Н. Раҳимова, Ш.Н. Зайнутдинов. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, 2006.- 47б.; Беркинов Б.Б. Корпоративное управление: цели и задачи /Народное слово 15.05. 2004 г. Расулов Н. М. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида).08.00.13 - “Менеджмент ва маркетинг” ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2010. - 161 б. Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари (“Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси мисолида). Ихтисослик: 08.00.13 – “Менеджмент ва маркетинг”. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2009. – 176 б.; Суюнов Д.Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмининг жорий этишини такомиллаштириш. 08.00.13 – “Менеджмент ва маркетинг” ихтисослиги. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2008. – 261 б.; Хошимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш. 08.00.13 – “Менеджмент ва маркетинг” ихтисослиги. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2007. – 338 б.

⁶ Хошимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларни ривожлантириш истикболлари. – Т.: Фан, 2003. – 111 б.

⁷ Яушев Р.И. Состояние и проблемы управления государственными пакетами акций корпораций// Корпоративное управление в Узбекистане. Материалы научно-практической конференции.–Т.: 2004. С.15-23.

⁸ Хамидулин М.Б. – Корпоратив маданият ва корпоратив бошқарув. - Т.: Академия, 2007. -224 б

жамиятларини хусусийлаштириш масалалари Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Беркинов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган⁹.

Аммо, мазкур илмий изланишларда бошқарувнинг алоҳида жиҳатлари ёки ресурсларни бошқариш масалаларига илмий ёндашилган. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корпорацияларда бошқарувнинг мос тизимини шакллантириш ва тегишли илмий-методологик таълимнинг ишлаб чиқиши талаб этилади. Бу эса йирик корпоратив тузилмаларни бошқариш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш, корпоратив бошқарув ҳамда илғор технологиялар ва миллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатиш шароитлари, мамлакатнинг муайян ижтимоий-иқтисодий шароитларига мослаштирилган замонавий менежмент усуллари кўллаш асосида корпорацияларни бошқариш услубиятини такомиллаштириш бўйича илмий-методологик тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетининг А-1-100 «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (01.01.2015-31.12.2017).

Тадқиқотнинг мақсади электроэнергетика тармоғида корпорацияларни бошқаришнинг илмий–методологик асосларини такомиллаштириш, бошқарув стратегиясини ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикамизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларини асосий тенденцияларини ҳамда назарий-услубий жиҳатларини илмий асослаш;

хусусийлаштириш билан боғлиқ ҳолда йирик корхоналарда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш ва истиқболини белгилаш услубларини аниқлаш;

электроэнергетика тармоғида корпорацияларни бошқарув стратегиясини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини ишлаб чиқиш;

корпорациялар бошқарув тизими сифатини интеграл самарадорлик асосида баҳолаш услубини ишлаб чиқиш;

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятида (АЖ)да корпорация бошқарув тизимига таъсир этувчи омилларни ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини асослаш;

электроэнергетика тармоғи ва унинг корхоналарида корпорацияларни бошқариш, уларнинг инвестицион самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

⁹ Беркинов Б.Б. Корпоративное управление: цели и задачи /Народное слово 15.05. 2004 г. // Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.

республикамизда электр энергияси ишлаб чиқариш ва унинг истеъмолига бўлган талаб ҳажми бўйича узоқ муддатли прогнозлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбекэнерго» АЖ тизимидаги акциядорлик жамиятлари ва уларнинг корпоратив бошқарув тизими танланган.

Тадқиқотнинг предметини акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойиллари, механизмлари ва уни рейтинг баҳолаш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий ва динамик таҳлил, монографик таҳлил, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корпоратив тузилмаларда бошқарув қарорларининг рақобатбардошлик даражаси, ресурслар сифими, иқтисодий самарадорлиги ва корхонани молиялаштириш коэффициенти кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштиришга асосланган бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми таклиф этилган;

корпорация бошқарув стратегиясининг ташкилий-иқтисодий механизми корпорациялар ривожланишининг умумжаҳон йўналишлари, электро-энергетика тармоғида корпоратив стратегия, бошқарувни ташкил этиш, бошқарув қарорлари, кадрлар фаолиятини ривожлантириш жиҳатидан такомиллаштирилган;

электроэнергетика тармоғида акциядорлик компанияларига инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш, салоҳиятли инвесторлар ишончини орттириш орқали уларнинг капиталлашув даражасини ўстириш омиллари таъсирида корпорацияларни бошқаришда инвестицион самарадорликни баҳолаш услуги таклиф этилган;

электроэнергетика тармоғини корпоратив бошқаришда инновация модели таклиф этилган;

корпорацияларни бошқаришда мулк эгалари ва менежерларнинг корхонанинг даромадига бўлган манфаатларини рағбатлантириш номограммаси таклиф этилган;

мамлакатда электр энергияси истеъмолига бўлган талаб ва унинг ишлаб чиқариш ҳажмининг кўп вариантли узоқ муддатли (2030 йилга қадар) прогнозлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

электроэнергетика тармоғида корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари учун иқтисодий самарадорликни баҳолаш мезонлари ва усуллари асосланган;

корпоратив тузилмаларни инновацион ривожлантиришда стратегик бошқаришни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган;

электроэнергетика тармоғида корпорацияларни бошқаришда инвестицион самарадорликни баҳолаш услуги таклиф этилган;

электроэнергетика тармоғида интеграл самара асосида инновацион-инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услубиёти ишлаб чиқилган;

корпорацияларда бошқариш тизимининг сифатини интеграл самарадорлик асосида баҳолаш услуби таклиф этилган;

электроэнергетика тармоғини узоқ муддатга мўлжалланган тараққиётини прогнозлаш услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги корпорацияларни бошқариш бўйича қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларни амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган комплекс моделлар асосида олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш услублари ва баҳолашга ёндашувлар тўғрисидаги билимлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиради, шунингдек, республикамиз акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш билан боғлиқ турли стандарт ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этишда услубий материал бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқот иши доирасида ишлаб чиқилган назарий-услубий қоидалардан Ўзбекистонда корпоратив бошқарув даражасини такомиллаштиришда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш ва баҳолаш билан боғлиқ натижалар акциядорлик жамиятлари ҳамда «Ўзбекэнерго» АЖ тизимидаги корхоналар фаолияти, бошқа манфаатдор тузилмаларда истиқболли дастур ва режаларни ишлаб чиқиш имконини беради. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларидан «Менежмент», «Бизнесни бошқариш», «Корпоратив бошқарув» фанлари бўйича кейс-стади, маърузалар матни, ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

илғор хорижий тажрибаларни қиёсий ўрганиш асносида корпорацияларни инновацияга йўналтирилган алгоритми Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» АЖнинг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2018 йилнинг 18 мартдаги №ЖО-01-21/1553-сон маълумотномаси). Бунда электроэнергетика тармоғи корхоналарида янги технологиялар яратишга йўналтирилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор инновацион технологияларини танлаш, баҳолаш, уларни амалга ошириш жараёнларини бошқариш илмий жиҳатдан асосланган;

республикамизда электр энергияси ишлаб чиқариш ва унинг истеъмолига бўлган талаб ҳажми бўйича «Ўзбекэнерго» АЖнинг узоқ муддатли прогнозлар ишлаб чиқилган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2018 йилнинг

18 мартдаги №ЖО-01-21/1553-сон маълумотномаси). Электроэнергетика тармоғини узоқ муддатга мўлжалланган тараққиётини прогнозлаш услубларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида электроэнергетика тармоғида узоқ муддатга мўлжалланган тараққиётни прогнозлаш услубини қўллаш эвазига анъанавий усулга нисбатан инновацион усулда 11,5% га сифат ўзгариши кузатилган;

корпорациялар ривожланишининг умумжаҳон йўналишлари ҳисобга олиниб, электроэнергетика тармоғида корпорация бошқарув стратегиясини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми «Ўзбекэнерго» АЖнинг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2018 йилнинг 18 мартдаги №ЖО-01-21/1553-сон маълумотномаси). Электроэнергетика тармоғида бошқарув стратегиясини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини амалиётга жорий қилиш натижасида тармоқда самарадорлик 9,4% га ошишига эришилган;

электроэнергетика тармоғида корпорацияларни бошқаришда инвестицион самарадорликни баҳолаш услуги «Ўзбекэнерго» АЖнинг фаолиятига қўллаш учун таклиф этилган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2018 йилнинг 18 мартдаги №ЖО-01-21/1553-сон маълумотномаси). Бунда инновацион усуллардан фойдаланиш бўйича берилган ушбу илмий таклифлардан электроэнергетика тармоғида интеграл самара асосида инновацион-инвестицион лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услугиётини амалиётга жорий қилиш натижасида унумдорлик 7% га ортган;

электроэнергетика тармоғида инвестицион лойиҳалар самарасини баҳолашнинг асосий мезонлари ва тамойиллари бўйича илмий таклифлар «Ўзбекэнерго» АЖнинг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2018 йилнинг 18 мартдаги №ЖО-01-21/1553-сон маълумотномаси). Бунда фойдани келгусидаги интеграл натижаларни қиёслаш ва пул маблағлари узлуксиз келиб тушишини назорат қилиш, лойиҳани амалга ошириш билан боғланган таваккалчилик омиллари таъсирини ҳисобга олиш, лойиҳани амалга оширишда тижорат, бюджет ва иқтисодий самарадорликни асосий кўрсаткичларини тизимлаштириш тамойиллари асослаб берилган. Бу эса иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда электроэнергетика тармоғида йирик корпоратив тузилмалар юзага келиши, инвестицион фаолиятнинг барқарор тараққиёти ва тармоқни янада ривожланишига жиддий таъсир кўрсатган;

электроэнергетика тармоғида корпоратив муносабатларининг барча иштирокчилари учун иқтисодий самарадорликни баҳолаш мезонлари ва усуллари «Ўзбекэнерго» АЖнинг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2018 йилнинг 18 мартдаги №ЖО-01-21/1553-сон маълумотномаси). Электроэнергетика тармоғида корпоратив муносабатларининг барча иштирокчилари учун иқтисодий самарадорликни қиёсий афзаллиги асосидаги баҳолаш мезонлари ва усулларини амалиётга жорий қилиш натижасида самарадорликнинг ҳисоб-китобини амалга оширишда 17,0 фоиз тежамкорликка эришиш таъминланган;

халқаро тажрибаларни қиёсий ўрганиш асносида корпорацияларни бошқаришда мулк эгалари ва менежерларнинг корxonанинг даромадига бўлган манфаатларини рағбатлантириш модели «Ўзбекэнерго» АЖнинг фаолиятига таклиф этилган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2018 йилнинг 18 мартдаги №ЖО-01-21/1553-сон маълумотномаси). Таклиф этилаётган моделга биноан электроэнергетика тармоғида менежерларни рағбатлантириш, уларнинг якуний натижани максималлаштиришга қўшган ҳиссаси баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (жумладан 9та республика ва 3та хорижий журналларда), шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 18 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 254 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодий модернизациялаш шароитида корпоратив корхоналар фаолиятини бошқаришнинг илмий-услубий асослари»**, деб номланган биринчи бобида корпоратив бошқарув ҳамда корпорацияларни бошқаришнинг илмий-услубий жиҳатлари, давлат мулкани хусусийлаштириш, акциядорлик жамиятларининг ривожланиши ҳамда бу борадаги илғор хорижий тажрибалар ёритилган.

Корпоратив бошқарувга оид иқтисодий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиндики, корпоратив тизимнинг самарадорлиги негизида манфаатлар мувозанатига эришиш ётади, бу эса кўп жиҳатдан корпоратив муносабат ва ҳаракатлар меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлиб, ўз долзарблиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимиз олимларидан Ш.Н.Зайнутдинов ва Д.Н.Рахимовалар¹⁰

¹⁰ Зайнутдинов Ш.Н., Раҳимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, 2007. – 48 б.

«Корпоратив бошқарув – манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир деган таърифни келтиришган. Яна бир иқтисодчи олим Д.Х.Суюновнинг¹¹ таърифига кўра: «корпоратив бошқарув – корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдаги меъёрлар ҳамда бошқарувнинг маълум бир тамойиллари асосида корхона мақсадига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидир».

Мазкур назария асосчиларидан бири И.А.Храброванинг фикрича, «корпоратив бошқарув - бу бизнесни ташкилий-ҳуқуқий расмийлаштириш, ташкилий тузилмани оптималлаштириш, компания мақсадларига мос келувчи ташкилот ичидаги тузилмаларнинг ўзаро муносабатларини ўрнатишдир»¹². С.А.Карнаухов эса «корпоратив бошқарувга синергетик самараларнинг маълум бир тўпламини бошқариш» дея таъриф беради¹³. Лекин ушбу таърифлар бизнеснинг корпоратив шаклларида фойдаланиш натижаларига тааллуқли бўлиб, бевосита муаммонинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди.

Бизнинг фикримизча, «корпоратив бошқарув - компания томонидан танланган мулкдорлар, Кузатув кенгаши ва менежменти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик усули бўлиб, компания фаолияти натижаларининг акциядорлар, шунингдек, бошқа молиявий манфаатдор шахслар ўртасида адолатли тарзда тақсимланишини таъминлайдиган тизимдир».

Тадқиқот ишида иқтисодий адабиётлар таҳлил қилиниб, корпоратив бошқарувнинг турлари ва шакллари куйидагича туркумланган (1-жадвал).

Тадқиқотлар натижасига кўра, ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган моделлардан ҳеч бири бошқасидан яққол устунликка эга эмас ҳамда миллий иқтисодиётлар учун универсал ҳисобланмайди, бунинг натижасида, кўплаб мамлакатлар турли моделларининг алоҳида қисмларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарзидан келиб чиқиб, комбинациялашган вариантларидан фойдаланилади.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни йирик инвесторлар ҳамда кенг кўламда капитал бозорга молиявий ресурсларни жалб этиш ва бошқаришга қаратилган англо-саксония моделини баъзи элементларини ва германия моделини аутсайдерлик тизимини айрим жиҳатларини жорий этиб, комбинациялашган бошқарув моделига ўтиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот ишида корпоратив бошқарувнинг илғор хорижий моделлари (Германия, Япония ва инглиз-америка) ўрганилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда асосий жиҳатларига баҳо берилди.

¹¹ Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006. – 116 б.

¹² Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. Аффилированные лица, организационное проектирование, интеграционная динамика М., 2000 с. 64

¹³ Карнаухов С.А. Эффективность корпоративных структур //РИСК №1-2.- М., 2000, с.4

Корпоратив бошқарувнинг туркумланиши¹⁴

| № | Туркумлаш аломатлари | Корпоратив бошқарувнинг турлари |
|---|---|---|
| 1 | Қўлланилаётган модель бўйича | 1. Инглиз-америка корпоратив бошқарув модели 2. Германия корпоратив бошқарув модели 3. Япония корпоратив бошқарув модели 4. Ўзбекистон миллий корпоратив бошқарув модели |
| 2 | Ташкилотнинг мулкчилик шаклига кўра | 1. Акциядорлик мулкига асосланган ташкилотларда корпоратив бошқарув 2. Улушли мулкка асосланган ташкилотларда корпоратив бошқарув 3. Нотижорат ташкилотларда корпоратив бошқарув 4. Давлат мулкига асосланган ташкилотда корпоратив бошқарув |
| 3 | Бошқарувнинг поғоналиги бўйича | 1. Бир поғонали корпоратив бошқарув 2. Икки поғонали корпоратив бошқарув |
| 4 | Тизимнинг йўналганлиги бўйича | 1. Фонд бозорига йўналтирилган корпоратив бошқарув 2. Банкга йўналтирилган корпоратив бошқарув 3. Давлат фаолиятига йўналтирилган корпоратив бошқарув |
| 5 | Бошқарув тизимида иштирок этиши бўйича | 1. Инсайдерлик тизимли корпоратив бошқарув 2. Аутсайдерлик тизимли корпоратив бошқарув |
| 6 | Мулкчиликнинг концентрацияланиши бўйича | 1. Мулкчилик зич жамланган компанияда корпоратив бошқарув 2. Мулкчилик тарқоқ компанияда корпоратив бошқарув |
| 7 | Манфаатларнинг йўналганлиги бўйича | 1. Акциядорлар манфаатларига йўналтирилган корпоратив бошқарув 2. Жамият манфаатларига йўналтирилган корпоратив бошқарув 3. Корпорация манфаатларига йўналтирилган корпоратив бошқарув 4. Давлат манфаатларини кўзлашга қаратилган корпоратив бошқарув |
| 8 | Бошқарувнинг таъсир доираси бўйича | 1. Компания ичидаги корпоратив бошқарув 2. Компаниялараро корпоратив бошқарув |

Диссертациянинг «**Электроэнергетика тармоғида хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш**» номли иккинчи бобида хусусийлаштиришнинг қонунчилик асослари, иқтисодий ислохотлар босқичида шаклланаётган корпоратив бошқарувнинг бирламчи хусусиятлари ҳамда электроэнергетика тармоғида хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш масалалари ёритиб берилган.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг юқори натижаларига эришишда ҳукумат томонидан бу жараёнларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари белгилаб олинishi аҳамиятли таъсир кўрсатади:

хусусийлаштириш жараёнларининг асосий мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш;

мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва уларга амал қилиш;

мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, демографик, маданий-руҳий хусусиятларини эътиборга олиш;

хусусийлаштириш жараёнларини махсус меъёрий-ҳуқуқий асослар билан таъминлаш;

ҳар бир алоҳида ҳолат учун хусусийлаштиришнинг энг мақбул усулларини танлаб олиш;

мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш.

Мамлакатимизда 2000-2016 йилларда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойиллари қўлланила бошлади. Бу эса самарали механизм сифатида корпоратив бошқаруви амалиётига кириб келди. Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш бўйича мавжуд ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди.

Республикада бугунги кунда акциядорлик жамиятлари сони камайиши билан бир қаторда, улар умумий устав капитали ҳажмининг кўпайиши жараёни давом этмоқда. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, 2016 йилда акциядорлик жамиятлари умумий сони 714 тани ва умумий устав капитали 16553,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб, уларнинг умумий сони 659 тани ва умумий устав капитали 30463,5 млрд.сўмни (ўсиш 84%)¹⁵ ташкил этган.

Мамлакатимизда 2010-2017 йиллар давомида нефть қазиб чиқариш ва мос ҳолда уни қайта ишлаш суръатлари пасайганлиги қайд этилиб, йилдан-йилга кўмир қазиб олиш ва шунга мувофиқ электр энергиясини ишлаб чиқариш суръатлари ортиши кузатилган (2-жадвал).

Жадвал маълумотларининг таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2017 йилда электр энергияси тармоғи - 103,0 фоизга, кўмир – 104,4 фоизга, газ – 100,5 фоизга ўсиши кузатилган бўлса, нефть қазиб чиқариш – 93,7 фоизга ва нефтьни қайта ишлаш – 98,9 фоизга пасайганини кўриш мумкин. Ёқилғи-энергетика тармоқлари бўйича умумий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатларини 2017 йил кўрсаткичлари 2010 йил статистик маълумотлари билан таққосланганида, электр энергияси – 33,1 фоизга, газ – 34,7 фоизга ҳамда кўмир – 28,1 фоизга ошгани кузатилган. Аммо нефть қазиб чиқариш – 0,5 фоизга ва нефтни қайта ишлаш – 18,9 фоизга камайган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Шунингдек, республикамызда нефть қазиб чиқариш суръати 2010-2015 йилларда ўсган бўлсада, аммо охири икки йил давомида бу кўрсаткични пасайганини кузатишимиз мумкин.

2-жадвал

Ёқилғи-энергетика тармоқлари бўйича умумий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)¹⁶

| Тармоқ | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2017 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши |
|---------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---|
| Электр энергетикаси | 102,7 | 101,1 | 103,0 | 101,3 | 102,2 | 105,8 | 110,3 | 103,0 | 133,1 |
| Кўмир | 98,2 | 108,5 | 95,3 | 109,2 | 110,0 | 90,4 | 111,3 | 104,4 | 128,1 |
| Нефть қазиб чиқариш | 101,3 | 102,9 | 104,5 | 97,7 | 91,9 | 112,9 | 96,2 | 93,7 | 99,5 |
| Нефтни қайта ишлаш | 90,7 | 100,9 | 94,1 | 105,4 | 99,9 | 93,0 | 97,2 | 98,9 | 81,1 |
| Газ | 110,3 | 100,3 | 109,7 | 99,8 | 96,9 | 112,5 | 101,5 | 100,5 | 134,7 |

Таҳлил натижаларига кўра, саноатни ривожлантиришга йўналтирилган электроэнергиянинг улуши 2000 йидаги 25 фоиздан 2017 йилда 32 фоизгача ўсган¹⁷. Электроэнергия истеъмоли тузилмасида энергия сиғимли тармоқлар улушининг ўсиши 2000 йилда 51,7фоиздан, 2016 йилда 67,5 фоизгача ошганини кўрсатади. Электр энергиясининг саноат истеъмоли тузилмасида энергиясиғимли тармоқлар улушининг кўпайиши саноат маҳсулотлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантиришда хом-ашё ва қазиб олиш тармоқлари ҳамда қўшимча қийматнинг устунлик ролини кучайтириш тенденцияси билан изоҳланади.

Тадқиқотда «Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми таклиф этилди (1-расм). Бу алгоритм баҳолашнинг сифат ва миқдор усулларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Бунда эса корпорациянинг ривожланганлигини қай даражада эканлиги ва уни корпорация қийматига қандай таъсир этишини ифодалайди ва корпоратив бошқарувнинг самарадорлик даражасини таққослаш ҳамда таҳлил қилиш учун сифат усуллари орасидан корпоратив бошқарув даражасига Кузатов кенгашининг тузилмаси, аъзолари сони, йиғилишлар

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹⁷ «Ўзбекэнерго» АЖ маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

мунтазамлиги, менежер ва мулкдорлар манфаатлари яқинлашиши даражаси инобатга олинади. Микдор усулларда эса «Ўзбекэнерго» АЖнинг молиявий-хўжалик фаолияти, сотувлар ўсиш суръати ва рентабеллиги, инвестицион самарадорлик омилларини баҳолаш юқори ўрин тутди. Бунда «Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив бошқарув сифат даражаси баҳоси уни молиялаштириш коэффициентига тўғри пропорционал бўлиб, унинг корпоратив бошқарувини микдорий баҳолаш қийматларидан келиб чиқади.



1-расм. «Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми¹⁸

Корпоратив бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми «Ўзбекэнерго» АЖда бошқарув самарадорлигини яхшилаш учун бошқарув жараёнини молиялаштиришга боғлиқ бўлиб, бунда молиялаштириш коэффициенти қуйидаги $1 \geq \pm \Delta F \geq 0$ шартни қаноатлантириши керак ва шундагина уни корпоратив бошқариш муносабатлари ўз сифат даражасига эга бўлган деб қараш мумкин.

«Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив бошқарув механизмини институционал асосини мустаҳкамлаш, республикада амалга ошириладиган жадал иқтисодий ислохотлар шароитида ва тармоқ ривожланиш дастурларини йўналишига ўзаро боғлиқ бўлиб, амалдаги ва шаклланган бошқарув тизимини ривожланиш изчиллигига таянади.

«Ўзбекэнерго» АЖнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар 2-расмда келтирилган.

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. «Ўзбекэнерго» АЖнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар¹⁹

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, «Ўзбекэнерго» АЖнинг рақобатбардошлигига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Бундай омиллар қаторига инсон капитални ривожланганлик даражасини, инновацион технологияларни қўллаш даражасини, корпорация молиявий ҳолатининг барқарорлигини, нарх сиёсати, инновацион энергия маҳсулотлари ва хизматларини, энергия ишлаб чиқариш ва етказиб бериш сифатини, корпорация акцияларини қўшимча муомалага чиқарилишини ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг дивиденд сиёсатини киритишимиз мумкин. Ушбу омилларнинг таъсирига аҳамият қаратадиган бўлсак, уларнинг барчаси «Ўзбекэнерго» АЖнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви самарадорлигини оширишга корпоратив бошқарув кодекси, корпоратив менежментнинг стандартлари, корпоратив назорат усуллари, ходимларни қўллаб-қувватланишини ошириш тизими, менежментнинг-таваккалчилик тизими каби воситаларни қўллаш бошқарув жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

«Ўзбекэнерго» АЖнинг корпоратив бошқарув асосидаги молиявий кўрсаткичлари динамикаси таҳлили акциядорлар, бошқарув кенгаши ва Кузатув кенгаши ўртасидаги мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларни аниқлаштиришни талаб этади (3-жадвал).

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

«Ўзбекэнерго» АЖ нинг корпоратив бошқарув асосидаги молиявий кўрсаткичлари динамикаси²⁰

| № | Кўрсаткичлар | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2016й./2014й нисбатан маргада |
|----|---|-------------|--------------|---------------|-------------------------------|
| 1. | Даромадлар, минг сўм ҳисобида | 30576543 | 968 001000 | 1 609 878 000 | 52,65 |
| 2. | Харажатлар, минг сўм ҳисобида | 94668133 | 716106000 | 1609877998,8 | 17,0 |
| 3. | Соф фойда, минг сўм ҳисобида | 324701650 | 721 022 524 | 1192 000 000 | 3,67 |
| 4. | Қимматбаҳо қоғозлар, минг сўм ҳисобида | 321246458 | 402 659 774 | 503324717,5 | 1,57 |
| 5. | Дивидендлардан тушган даромадлар, минг сўм ҳисобида | 16284212 | 125 268 036 | 963637715,1 | 59,18 |
| 6. | Қимматли қоғозлар миқдори (дона) | 83 687 443 | 2 530 521 | 7 733 931 | 0,1 |
| 7. | Чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми (минг сўм) | 836 874 430 | 7 411 147, 3 | 66 265 490 | 0,1 |
| 8. | Тўланган дивидендлар, минг сўм | 77 029 000 | 12188000 | 2456000 | 0,032 |

Таҳлилларни кўрсатишича, 2014 йилга нисбатан «Ўзбекэнерго» АЖнинг даромадлари ошиб борган. 2014 йил даромадлар 30 млрд. 576 млн. 543 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 1 трлн. 609 млрд. 878 млн. сўмни ташкил қилди. Бундай натижа АЖ таркибидаги модернизация ва реконструкция ҳамда энергоресурсларнинг нархини ошиши ҳисобига эришилди. Соф фойда 2014 йилда 324 млрд. 701 млн. 650 минг сўмни ташкил қилган, 2016 йилга келиб 1 трлн. 192 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу натижа қимматли қоғозлар миқдорининг кўпайиши ва муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажмининг ошиши ҳисобига эришилди.

Чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажмини 836 млрд. 874 млн. 430 мингни ташкил этиши, 2015 йилда «Ўзбекэнерго» АЖ томонидан 2014-2015 йилларда муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар тақсимотини АЖнинг устав фонди кенгайтирилиши эвазига чет эл инвестициясини жалб қилиш учун сарфланиши ҳисобига, тўланган дивидендлар миқдори 2016 йилга келиб 2 млрд. 456 млн. сўмни ташкил қилган.

²⁰ «Ўзбекэнерго» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлар динамикасида молиявий кўрсаткичларни фарқланиши «Ўзбекэнерго» АЖнинг бошқарув кенгаши таркиби ва хусусий мулк дахлсизлиги каби муаммоларни ташкилий-ҳуқуқий асосини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Сабаби корпоратив бошқарув тўғрисидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлар билан акциядорлик жамияти аъзолари мулкӣ муносабатларида вужудга келган ташкилий ҳуқуқий масалаларни тартиблаштиришни талаб этади ва корпоратив бошқарув моделини ушбу ихтилофли ҳолатларни бартараф этиш механизмини киритиш эвазига уни такомиллаштириш мумкин.


Тадқиқотда аниқланишича, «Ўзбекэнерго» АЖ ҳамда унинг таркибига кирувчи ҳар бир акциядорлик компаниялари Кузатув кенгаши ваколатлари доирасида корхонани бошқариш билан боғлиқ жараёнларни мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бориш ва у билан боғлиқ масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кундаги амалга оширилаётган ислохотлар республикамизда электроэнергетика тармоғини сифат жиҳатидан ривожлантириш ва бошқаришни тақозо қилади. Унда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш зарур: иқтисодиётнинг барча соҳаларини ёқилғи-энергетик ресурслар билан барқарор таъминлашда қулай хом ашё ва стратегик муҳим тармоқлар базасини яратиш йўли билан ижтимоий эҳтиёжларни устувор даражада таъминлаш; мамлакат энергетикаси мустақиллигини таъминлашда экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган, энергияни тежайдиган тадбирларни амалга оширишда энергетик ресурслардан самарали фойдаланиш ва бунинг учун зарурий шарт-шароитларни яратиш; электроэнергетика тармоғини молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш ва йирик ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилиш; меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда электроэнергетика тармоғини қўшма тармоқлар билан ўзаро таъсири хусусиятларини ҳисобга оладиган солиқ тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Тадқиқот ишида ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг прогнозлаш кўрсаткичлари иссиқлик энергияси ресурслари (ИЭР) нинг тақчил турларини (асосан, нефтни) қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан биргаликда уларнинг юқори даражасини таъминлаш имконини беради. Бу эса иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергия тежамкорлиги сиёсатини амалга ошириш ҳамда энергетика саноатининг экспорт имкониятларини ривожлантириш имконини беради.

Бугунги кунда электроэнергетика тармоғини стратегик бошқаришдаги асосий вазифалардан бири унинг электр энергияга бўлган талабни прогнозлаш ҳамда баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотда электр энергияси истеъмолига бўлган талаб ва унинг ишлаб чиқариш ҳажмининг кўп вариантли узоқ муддатли (2030 йилга қадар) прогнозлари ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. Электр энергияга талабни прогнозлаш ва баҳолаш динамикаси²¹

Амалга оширилган тадқиқотларимиз кўрсатишича, 1 вариант иқтисодийда тузилмавий параметрлар ва ўсиш омилларидан фойдаланиш даражасини сақлаб қолишдан иборат. 2 вариант тармоқда ташқи бозорда электроэнергияга бўлган талабни яхшилаш ҳамда экспортни ривожлантириш билан характерланади. 3 вариант махсулот экспорти ўсиш суръатларини янада ошириш, тармоқни модернизациялаш, самарали инвестицион ва инновацион лойиҳаларни жалб этиш эвазига самарадорликка эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Биринчи вариантда электроэнергияга бўлган талаб 2015 йилга нисбатан 1,6 мартага кўпаяди. Иккинчи вариант бўйича бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 2 мартага кўпайиши кузатилади. Учинчи вариант бўйича эса, электроэнергияга бўлган талаб 2,3 мартадан кўп бўлиши кутилмоқда.

Диссертациянинг «**Корпорацияларда инвестицион фаолиятни бошқаришнинг устувор йўналишлари**» номли учинчи бобида электроэнергетика тармоғида корпорацияларни бошқаришда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш йўллари ёритиб берилган.

Тадқиқотда электроэнергетика тармоғида корпорацияларни бошқаришда инвестицион самарадорликни баҳолаш услуги таклиф этилган:

$$C_e = \left\{ \varepsilon_{кб} U \sum_{к=1}^к \varepsilon_{.m} U \sum_{n=1}^{N1} \varepsilon_{np} U \sum_{N=1}^{N2} \varepsilon_c U \sum_{N=1}^{N3} \varepsilon_o \right\} \quad (1)$$

бу ерда: C_e - таянч инвестициянинг синергетик самараси;

$\varepsilon_{кб}$ - таянч инвестициянинг кумулятив самараси;

$\sum_{к=1}^к \varepsilon_{.m}$ - таянч инвестициянинг мультипликацион самараси;

²¹ «Ўзбекэнерго» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

K - таянч инвестиция модификациясининг миқдори;

$\sum_{n=1}^{M1} \mathcal{E}_{np}$ - таянч инвестиция асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилувчи

корхонанинг иқтисодий самараси ҳамда унинг трансакцион ва трансферт харажатларни амалга оширувчи модификацияси;

$\sum_{N=1}^{N2} \mathcal{E}_c$

- корхоналарда таянч инвестиция ва унинг модификацияси асосида ишлаб чиқариш ва сотишга оид ижтимоий самара;

$\sum_{N=1}^{N3} \mathcal{E}_b$

- корхоналарда таянч инвестиция ва унинг модификацияси асосида ишлаб чиқариш ва уни сотишга оид бюджет самара;

T - инвестицион цикл;

t - маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлаб, токи пул маблағлари оқимининг пайдо бўлишигача бўлган вақт оралиғи.

Таҳлилларимизга кўра, корпорацияларни бошқарув самарадорлигини оширишни таъминловчи асосий омиллардан бири, акциядорлик компанияларига инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш ҳамда салоҳиятли инвесторлар ишончини орттириш орқали уларнинг капиталлашув даражасини ўстиришдир. Ушбу услубиятда электроэнергетика тармоғида инвестиция фаолиятини самарали бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш учун инвестиция фаолияти самарадорлигини аниқловчи ва соҳа менежментини такомиллаштириш кўрсаткичларидан фойдаланилган. Бунда инвестиция фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари инвестицион жозибадорлик даражаси, жалб этилган хориж инвестицияси даражаси, маркетинг стратегияси самарадорлиги, хизматларнинг рақобатбардошлик даражаси ва бошқарувда хорижий инвесторлар иштироқи кўрсаткичларидан иборат бўлади.

Таклиф этилаётган услубий ёндашув бевосита электроэнергетика тармоғида инвестиция фаолиятини ривожлантириш истиқболларини белгилашга замин яратади. Бу эса пировард натижада тармоқда инвестиция фаолиятини бошқариш самарадорлигини ҳамда инвестицион жозибадорлигини оширишга асос бўлади.

Тадқиқотнинг «**Ўзбекистонда корпоратив корхоналарда инновацион жараёнларни янада жадаллаштириш йўллари**» деб номланган тўртинчи бобида корпоратив корхоналарда инновацион бошқариш ва модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, корпоратив бошқарувда инновацион усулларни жорий этиш орқали модернизациялаш жараёнларининг самарадорлигини ошириш, электроэнергетика тармоғида корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ёритилган. Корпоратив бошқарув тизими электроэнергетика тармоғида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа тармоқлардан бевосита стратегик вазифаси, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини кафолатлаши билан ажралиб туради. Шу боис

тадқиқотда корпорациялар ривожланишининг умумжаҳон йўналишлари ҳисобга олиниб, электроэнергетика тармоғида корпорация бошқарув стратегиясини ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Электроэнергетика тармоғида корпорация бошқарув стратегиясини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми²²

Таклиф этилаётган «Ўзбекэнерго» АЖда бошқарув стратегиясини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ҳуқуқий асоснинг ривожланиши, шунингдек, кредиторлар ҳуқуқий ҳолатининг мустаҳкамланиши; корпорацияга инвестицияларни киритишда катта манфаатдорлик туғдирувчи акциядорлар ҳуқуқлари бузилиши учун қонуний ва амалий масъулиятни қўллаш; хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқариш тамойилларини, яъни акциядорлар ва таъсисчилар манфаатларининг мувозанатини таъминлайдиган бошқарув тизимини такомиллаштириш орқали корхоналар самарадорлигини ошириш ва уларнинг инвестицион салоҳиятини кўтариш; инвесторлар учун корхоналар очиқлигини кенгайтириш каби муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Бунда ташкилий жиҳатларга корпорация стратегиясини шакллантириш, самарали бошқарувни ташкил этиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, корпоратив муаммоларни ҳал этиш каби элементлар таъсир кўрсатса,

²² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

иқтисодий жиҳатларига эса акциядорлик жамиятларда кадрлар масаласи, иқтисодий ва молиявий механизмларни жорий этиш масалалари аҳамиятли ҳисобланади.

«Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив муносабатлар турли иштирокчиларининг вазифа ва манфаатлари қуйидаги 4-жадвалда ифодаланган.

4-жадвал

«Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив муносабатлар турли иштирокчиларининг вазифа ва манфаатлари²³

| Корпоратив муносабатлар иштирокчилари гуруҳи | Вазифалари | Манфаатлари |
|--|---|--|
| Акциядорлар | Корпорация инвесторлари ҳисобланади | Дивиденд олиш ҳамда сотиш зарур бўлган ҳолатда акцияларнинг юқори курсидан манфаатдорлар |
| Ёлланма менежерлар | Менежментнинг барча асосий функцияларини амалга оширадилар | Компания ҳамда унда ўзларининг шахсий мавқелари барқарор бўлишидан манфаатдорлар |
| Компания ходимлари | Компаниянинг барча ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бевосита амалга оширадилар | Компания ҳамда унда ўзларининг шахсий мавқелари барқарор бўлишидан манфаатдорлар |
| Давлат бошқарув органлари | Корпоратив муносабатларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантирадилар | Компанияларнинг барқарорлиги, уларнинг солиқ тўлаш ҳамда иш ўринларини яратишга лаёқатли бўлишидан манфаатдорлар |
| Кредиторлар | Компанияларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа фаолиятларини молиялаштиришда иштирок этадилар | Компанияларнинг барқарорлиги, уларнинг олинган маблағлар ҳамда шартномада кўзда тутилган фоизларни қайтаришга лаёқатли бўлишидан манфаатдорлар |

Тадқиқотларимиз натижаларидан кўринадики, корпоратив муносабатлар турли иштирокчиларининг вазифа ва манфаатлари ўзаро фарқ қилиб, корпоратив бошқарувни амалга оширишда ушбу жиҳатларнинг ҳисобга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, корпоратив муносабатлар иштирокчилари гуруҳларининг умумий вазифа ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг мазкур гуруҳлар манфаатларига мос ёки зид жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай таҳлил корпоратив тузилмаларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини самарали ташкил этиш имконини беради ҳамда корпорацияларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар ва улар таъсирида рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ҳар бир гуруҳ учун ҳам манфаатли, ҳам манфаатга зид томонларини аниқлашга имкон яратади.

²³ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини яратишдан мақсад барқарор иқтисодий ўсиш суръатига эришиш, тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш, республикамизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади.

Корпоратив корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос томони унда турли иқтисодий манфаатларни намоён этувчи гуруҳларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Чунки корпорациялар фаолияти кўплаб манфаатдор иштирокчилар, жумладан, акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар, ходимлар, мол етказиб берувчилар, истеъмолчилар, касаба уюшмалари, рақобатчилар, маҳаллий бошқарув органлари, давлат муассасалари ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари таъсирида амалга ошади.

Бунда корпоратив қонунчилиқни такомиллаштиришнинг асосий вазифалари корпоратив соҳада мулкчилик ҳуқуқининг ҳимоя қилинишини таъминлаш; бизнеснинг «шаффоф»лигини, молиявий ахборотларнинг очиклиги ва сифатини таъминлаш, корпоратив можаролар сони ва долзарблигининг пасайиши, уларни самарали тартибга солишнинг таъминланиш; фонд бозорини ривожлантириш, жумладан, бизнес юритишнинг акциядорлик шаклини рағбатлантириш йўли билан; бизнесни йириклаштириш ва диверсификациялаш учун мос келувчи ҳуқуқий таъминотни шакллантириш; корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотда электроэнергетика тармоғи корхоналарида янги технологиялар яратишга йўналтирилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор инновацион технологияларини танлаш, баҳолаш, уларни амалга ошириш жараёнларини бошқаришнинг илмий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурияти аниқланди.

Электроэнергетика тармоғида инвестиция жозибадорлигини ошириш, корхоналар ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, тадқиқотда «Ўзбекэнерго» АЖни корпоратив бошқаришдаги инновация модели таклиф этилди (5- расм).

Электроэнергетика тармоғи корхоналарини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ҳамда уларни модернизациялашда маркетинг тадқиқотлар, самарали инвестицион лойиҳалар, шунингдек энергиянинг турли кўринишларини тежамли сарфлашга қодир бўлган инновацион лойиҳалар ва бошқарув тизими муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, мулкдорлар синфининг вужудга келиши инновацион жараёнларнинг узоқ муддатли келажакда бозор институтлари ва бозор рақобатини мустаҳкамловчи механизмлари орқали белгилаб олинади.

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган «Ўзбекэнерго» АЖни корпоратив бошқаришда инновация модели унинг инновация фаоллигини ва инновация салоҳиятини ишлаб чиқишга тадбиқ этиш ҳамда энергетика амалиётига инновация ютуқларини тизимли жорий этиш, унинг инновация фаолиятини мақсадли режалаштириш орқали самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Таклиф этилган инновация модели «Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг таркибига кирувчи энергетик компанияларни инновацион элементларни қўллаш натижасида инвесторлар учун жозибadorлигини оширишни ва уни самарали ривожланишини таъминлайди. Корпорациялар ўзининг ижтимоий-иқтисодий мақсадини самарали амалга ошириш учун инновацион асосда барқарор ривожланиши зарур.

Олиб борган тадқиқотларимиз, хорижий ва маҳаллий олимларнинг мазкур соҳадаги илмий изланишлари натижаси шуни кўрсатадики, корпорация бошқарувининг муваффақиятли амалга ошиши биринчидан унинг рақобат муҳитига, иккинчидан, инновацион салоҳият кўрсаткичларига боғлиқ. Бунда эса, корпорациялар учун манфаатдор, юқори даражада даромад келтирадиган ишланмалар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш, энергия, ресурс тежамкорлигини таъминловчи самарали илмий ҳажмдор технологиялар ва интеллектуал тизимларни амалиётга жорий этадиган инновацион жараёнлар муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотда «Ўзбекэнерго» АЖда бошқариш сифатининг интеграл коэффициентини қуйидагича ифодаланиши тавсия этилди:

$$K_{инт}^{кү} = \sum_{i=1}^n d_i \times K_i \rightarrow \max \quad (2)$$

бу ерда: $K_{инт}^{кү}$ – бошқариш сифатининг интеграл коэффициенти;

d_i - омилнинг нисбий аҳамияти;

K_i - корпорация бошқариш тизимининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил;

$K_{инт}^{кү}(б)$ – бошқарув сифатининг базис кўрсаткичи:


$$\text{агар } K_{инт}^{кү} > K_{инт}^{кү} \quad (3)$$

бўлса, амалга ошириладиган лойиҳани мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш лозим, акс ҳолда уни қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

«Ўзбекэнерго» АЖда инновацияларни амалда жорий этиш жараёнида илмий-техник салоҳият қўлланилади. Шундай экан, илмий, илмий-техник ва инновацион салоҳиятлар ягона инновацион моделнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдирувчи таркибий қисмлари ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг «Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўналишлари» деб номланган бешинчи бобида «Ўзбекэнерго» АЖ корхоналарида модернизациялаш жараёнларининг илмий-ташкилий жиҳатлари ҳамда Ўзбекистонда корпоратив қонунчилигини такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Корпоратив бошқарувдаги мулк эгалари ва менежерларнинг корхонанинг якуний натижасига бўлган манфаатларини уйғунлаштириш муаммосини («principal-agent problem») ечишнинг услубиётида амалда мулк эгалари («principals») корхонанинг кўпроқ фойда олишидан манфаатдордир. Чунки уларнинг акцияларига оладиган дивидендлари миқдори фойда миқдорига боғлиқ.



5-расм. «Ўзбекэнерго» АЖни корпоратив бошқаришдаги инновация модели²⁴

²⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аммо менежерлар корхонанинг ялпи даромади ортишидан манфаатдордир. Иш ҳақи миқдори, иш жойларининг кафолатланганлиги, меҳнат шароити, корхона имижиси, унинг ялпи тушуми, даражаси ва миқдорига боғлиқ. Муаммо шундан иборатки, ҳар иккала томон (иш берувчи - мулк эгаси ва ишга ёлланувчилар-менежерлар) корхонанинг якуний фаолиятидан бир хил даражада манфаатдор бўлмоғи лозим. Бу муаммони тадқиқотда корпорациядаги мулк эгалари ва бошқарувчилар манфаатини уйғунлаштиришга йўналтирилган рағбатлантириш механизмини яратиш орқали ҳал қилиш таклиф этилди. Таклиф этилаётган моделга биноан менежерларни рағбатлантириш, уларнинг якуний натижани максималлаштиришга қўшган уринишлари орқали амалга оширилади.

$$\text{Яъни } Y - X_E = Y - 0,5ce^2 \quad (4)$$

Мулк эгаси ва ёлланган ишчи оралиғида тузилган иш ҳақи шартномасига асосан тадқиқ этилади. Бу шартнома

$$Y = \alpha + \lambda\pi \text{ га тенг.} \quad (5)$$

Иш берувчи ёлланган ишчининг натижасини (π) ўлчаш ва кузатиш имкониятига эга, аммо унинг уриниши ёки ҳаракатларини тузата олмайди. Демак, (5) тенгламага биноан ёлланган ишчининг иш ҳақи натижага боғлиқ, аммо унинг уринишларига эмас. Хусусан, ёлланган ишчи белгиланган ўзгармас иш ҳақи улушига (α) ва плус унинг натижага боғлиқ бўлган иш ҳақи улушига ($\lambda\pi$) эга. Бу ерда иккита экстремал ҳолат бўлиши мумкин: 1) $\lambda=0$, яъни ўзгармас иш ҳақи белгиланган шартнома ва 2) $\lambda=1$, яъни бошқарувчи натижадаги ҳар бир сўм иш ҳақига қўшимча бир сўм компенсация олади. Агар λ коэффицент 0 ва 1 оралиғида бўлса ёлланган ишчи фойдадан қисман улушини олади. Бу фарқ яъни пасайишни ёлланган ишчининг риск мукофоти (PM), деб аталади. Шу сабабли ёлланган ишчининг кутилаётган эквивалент иш ҳақи

$$Y_X = E[Y] - PM = E[\alpha + \lambda\pi] - PM = E[\alpha + \lambda(ke + u)] - PM = \alpha + \lambda ke - PM \quad (6)$$

билан белгиланади.

бу ерда: E – кутилишни англатади. Ёлланган ишчининг риск даражаси иш ҳақида анаънавий риск даражасига ҳамда ўзининг шахсий риск даражаси муносабатига боғлиқ. Унинг иш ҳақидаги вариацияси $\lambda^2\sigma^2$ га тенг. Шунинг учун $PM=0,5r\lambda^2\sigma^2$ деб ёзиш мумкин. Унда r – акциядорнинг рискка бўлган мойиллик даражасини билдиради.

Энди ёлланган ишчининг моддий фаровонлигини умумий ҳолда қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$M\Phi_P = Y_{CF} - C_F = [\alpha + \lambda ke - PM] - 0,5ce^2 = \alpha + \lambda ke - 0,5r\lambda^2\sigma^2 - 0,5ce^2 \quad (7)$$

Ўз навбатида мулк эгасининг моддий фаровонлиги қуйидагича тенг:

$$M\Phi_A = E[\pi - Y] = E[\pi - (\alpha + \lambda\pi)] = (1 - \lambda)ke - \alpha \quad (8)$$

Мулк эгаси ва ёлланган ишчининг моддий фаровонлиги биргаликда қуйидагича тасвирланади:

$$M\Phi_X = M\Phi_P + M\Phi_A = ke - 0,5r\lambda^2\sigma^2 - 0,5ce^2 \quad (9)$$

Демак, умумий моддий фаровонлик кутилаётган соф фойда ($\pi = ke$), минус ёлланган ишчининг қўшимча уриниш харажатлари ва мукофотланиш.

Ёлланма ишчи ўзининг моддий фаровонлигини максималлаштиришни инобатга олиб, у қанчалик кўшимча уриниш қилишини топиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, $M\Phi_A$ максимал бўлмоғи учун e нинг миқдорини топиш зарур. Бунинг учун функциянинг биринчи ҳосиласи олинади.

$$\frac{\partial M\Phi_A}{\partial e} = \lambda k - ce = 0 \quad (10)$$

Бунда $e^* = \frac{\lambda k}{c}$ га тенг бўлади. Бу ерда * юлдузча ёлланма ишчининг оптимал уринишини ифодалайди. Агар $\lambda=0$ бўлса, $e^*=0$ бўлади. Агар ёлланма ишчи ўзгармас ойлик оладиган бўлса $\lambda=\alpha$, демак унинг миқдори ёлланма ишчининг кўшимча уринишига боғлиқ эмас. Ёлланма ишчининг кўшимча уриниши λ ва k ларнинг миқдорига боғлиқ. Самарадорликнинг мақсади иккала томоннинг ҳам манфаатини оптималлаштиришдан иборат. Биринчидан, формулага $e^* = \frac{\lambda k}{c}$ ни киритилди.

$$M\Phi_x = M\Phi_p + M\Phi_A = k \frac{\lambda k}{c} - 0,5r\lambda^2\sigma^2 - 0,5c \left(\frac{\lambda k}{c} \right)^2 = \frac{\lambda k^2}{c} - 0,5r\lambda^2\sigma^2 - \frac{0,5r\lambda^2 k^2}{c} \quad (11)$$

Самарали шартнома λ даги улушларни ва умумий манфаатдорликни максималлаштиришни кўзда тутди. Тадқиқотларимиз натижаларидан кўришиб турибтики, умумий фойда ўзгармас иш ҳақиға (α) боғлиқ эмас. Ўзгармас иш ҳақини ҳар хил қийматларига яраша умумий фойдани қайта тақсимлаш мумкин.

λ -коэффициентига нисбатан натижани оптималлаштириш шarti:

$$\frac{dM\Phi_p}{d\lambda} = \frac{k^2}{c} - r\lambda\sigma^2 - \frac{\lambda k^2}{c} = 0 \quad (12)$$

Шунинг учун

$$\lambda^* = \frac{\frac{k^2}{c}}{r\sigma^2 + \frac{k^2}{c}}; \quad (13)$$

Тенгликнинг суръати ва махражини $\frac{k^2}{c}$ га бўлиб олинади.

$$\lambda^* = \frac{1}{\frac{rc\sigma^2}{k^2} + 1} \quad (14)$$

Бу ибора томонларнинг фойдадаги улушининг оптималлаштиришга хизмат қилади. Агар ёлланма ишчи рискка фарқсиз бўлса ($r = 0$) оптимал шартномада $\lambda^*=1$ бўлади. Ёлланма ишчи ҳар бир кўшимча сўмға мукофот олади. Бу эса ишчи томонидан катта уриниш бўлишини таъминлайди. Агар уринишлар (k) жуда маҳсулдор бўлса, самарадорлик менежернинг фойдадаги улуши юқори бўлишини таъминлайди. Аксинча, агар натижани олиш эҳтимоллиги паст бўлса, ёки ёлланма ишчи рискдан кўпроқ ранжиса (σ^2 ёки r - юқори) самарали шартнома паст даражадаги фойда улушини кўзда тутди. Агар уринишлар жуда қимматли бўлса (c) юқори самарали шартнома паст улушли фойда тақсимоти бўлишини тақозо қилади ва ёлланма ишчи ўртача уринишга эға бўлади (5- жадвал).

«Ўзбекэнерго» АЖда менежерни рағбатлантириш номограммаси²⁵

| Риск <i>r</i> | Уринишлар даражаси, <i>k</i> | | | | | | | | | |
|------------------|------------------------------|--------|------|------|------|-------|------|------|------|------|
| | 10 | 20 | 30 | 40 | 50 | 60 | 70 | 80 | 90 | 100 |
| 0 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 1 | 0,3 | 0,615 | 0,79 | 6,41 | 10,1 | 14,41 | 19,6 | 25,6 | 33,3 | 41,6 |
| 5 | 0,07 | 0,3208 | 0,72 | 1,28 | 2,00 | 2,88 | 3,92 | 5,12 | 6,49 | 8,06 |
| 10 | 0,038 | 0,160 | 0,36 | 0,64 | 1,00 | 1,44 | 1,96 | 2,56 | 3,24 | 4,01 |
| 15 | 0,025 | 0,106 | 0,24 | 0,42 | 0,66 | 0,96 | 1,30 | 1,70 | 2,16 | 2,67 |
| 20 | 0,020 | 0,080 | 0,18 | 0,32 | 0,50 | 0,72 | 0,98 | 1,28 | 1,62 | 2,00 |
| 25 | 0,016 | 0,064 | 0,14 | 0,25 | 0,40 | 0,57 | 0,78 | 1,02 | 1,29 | 1,60 |
| 30 | 0,013 | 0,059 | 0,12 | 0,21 | 0,33 | 0,48 | 0,65 | 0,85 | 1,08 | 1,33 |
| 35 | 0,011 | 0,045 | 0,10 | 0,18 | 0,28 | 0,41 | 0,56 | 0,73 | 0,92 | 1,14 |
| 40 | 0,010 | 0,040 | 0,09 | 0,16 | 0,25 | 0,36 | 0,49 | 0,64 | 0,81 | 1,00 |
| 45 | 0,008 | 0,035 | 0,08 | 0,14 | 0,22 | 0,32 | 0,43 | 0,56 | 0,72 | 0,88 |
| 50 | 0,008 | 0,032 | 0,07 | 0,12 | 0,20 | 0,28 | 0,39 | 0,51 | 0,64 | 0,80 |
| 55 | 0,007 | 0,029 | 0,06 | 0,11 | 0,18 | 0,26 | 0,35 | 0,46 | 0,58 | 0,72 |
| 60 | 0,006 | 0,026 | 0,06 | 0,10 | 0,16 | 0,24 | 0,32 | 0,42 | 0,54 | 0,66 |

Бунда риск даражаси қанча паст бўлиб, ёлланган ишчининг ҳаракатлари қанча юқори бўлса, менежернинг фойда тақсимоотидаги улуши шунча самарали бўлади. Бу ерда уринишлар харажати $C = 10 \sigma^2 = 25$ ва рискка муносабат – σ^2 ўзгармас деб қаралган. Жумладан рискка бефарқ бўлган иш берувчи рискка таъсирчан бўлган менежерни ишга ёллади (6-жадвал).

Ёлланган ишчининг рағбатлантирилиши фойда миқдорига боғлиқ бўлади. Корхонанинг умумий фойдаси менежер уринишлари ва бошқа омилларга боғлиқ. Икки даврдаги натижалар турлича бўлиши мумкин, аммо бошқаруви шу тартибда иш олиб борган бўлиши мумкин. Натижа $\pi = ke + u$ тарзида ёзилади, бу ерда: k – бошқарувчининг маржинал маҳсулдорлиги (ҳар бир соатда бажарилган иш натижаси) ва u – маҳсулотнинг номаълум омиллар таъсирида ўзгариш чегараси (манфий ёки мусбат).

6- жадвал

Риск ва уринишлар даражаси ўзгармаган ҳолда «Ўзбекэнерго» АЖда менежерларни рағбатлантириш номограммаси²⁶(Риск – r ва уринишлар даражаси – k ўзгармас $r = 5 \quad k = 50$)

| σ^2 | Уринишларга сарфлар, C | | | | | | | | | |
|------------|--------------------------|------|------|------|------|------|-------|-------|-------|-------|
| | 5 | 10 | 15 | 20 | 25 | 30 | 35 | 40 | 45 | 50 |
| 0 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 5^2 | 4,00 | 2,00 | 1,33 | 1,00 | 0,80 | 0,67 | 0,57 | 0,50 | 0,44 | 0,40 |
| 10^2 | 1,00 | 0,50 | 0,33 | 0,25 | 0,20 | 0,16 | 0,14 | 0,12 | 0,11 | 0,10 |
| 15^2 | 0,44 | 0,22 | 0,14 | 0,11 | 0,08 | 0,07 | 0,06 | 0,05 | 0,049 | 0,044 |
| 20^2 | 0,25 | 0,12 | 0,08 | 0,06 | 0,05 | 0,04 | 0,035 | 0,031 | 0,027 | 0,025 |

²⁵ «Ўзбекэнерго» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.²⁶ «Ўзбекэнерго» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тасодифий омилнинг ўртача миқдори 0 га ва вариацияси π^2 га тенг. Бошқарувчи ўзининг манфаати қониқишини олинган иш ҳақи ва ортикча уриниш сарфларини таққослаш орқали ифодалайди. Бунда ёлланма ишчининг харажатлари қуйидаги формула орқали топилади:

$$X_E = 0,5ce^2$$

бу ерда: c – сонли коэффициент бўлиб, e – ишчининг ҳаракатларини кўрсатади. Агар $e = 0$ бўлса ҳаракат қилмаган бўлади, агар $e = 1$ га тенг бўлса (юз фоиз ҳаракат қилгани) таъкидлаш жоизки, e нинг ортишига мос равишда ишчининг маржинал ҳаракати ҳам ортиб боради. Шу туфайли ёлланма ишчини олдида танлаш муаммоси туғилади. Бошқарувчи e ни ортишидан ва маҳсулот миқдорини (π) наф кўради. Чунки унинг натижаси ортишидан манфаатдорлиги кўшимча тақдирланишда ифодаланиши мумкин. Бошқарувчининг нафи (манфаати) - $M\Phi_A$ олаётган иш ҳақи ($Я$) ва харажатлар (X_E) фарқига боғлиқ бўлади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари орқали корпоратив тузилмаларнинг ташкил этилиши ва ривожлантирилиши мамлакатимиздаги бошқарув тизимига янгича йўналиш касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим деб топилди: акциядорлик жамиятлари томонидан эълон қилинган акциялар доимий равишда эмиссия қилиб борилишини рағбатлантириш; акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг молиявий механизмларининг тўғри амалга оширилишини назорат қилиш тизимининг муҳим бўғини бўлган тафтиш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш; корпоратив соҳадаги амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш; акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув ва корпоратив назорат органлари аъзолари фаолиятининг тақдирланиши ва х.к.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Корпорацияларни бошқаришда халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган моделлар ўртасидаги институционал ўзига хослик ҳамда бунинг натижасида юзага келувчи корпоратив мулкий муносабатлардаги фарқлар аниқланди. Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ва корпоратив бошқарувни мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар талаблари ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсадлардан келиб чиқиб, корпоратив бошқарувни амалга оширишнинг инсайдерлик тизимидан аутсайдерлик тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ.

2. Ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган моделлардан ҳеч бири бошқасидан яққол устунликка эга эмас ҳамда миллий иқтисодийётлар учун универсал ҳисобланмайди, бунинг натижасида, кўплаб мамлакатлар турли моделларнинг алоҳида қисмларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарзидан келиб чиқиб, комбинациялашган вариантларидан фойдаланилади. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни йирик инвесторлар

ҳамда кенг кўламда капитал бозорига молиявий ресурсларни жалб этиш ва бошқаришга қаратилган англо-саксония моделининг баъзи элементларини ва АҚШ модели аутсайдерлик тизимининг айрим жиҳатларини жорий этиб, комбинациялашган бошқарув моделига ўтиш мақсадга мувофиқ.

3. Тадқиқотда электроэнергетика тармоғида корпорацияларнинг мулкка эгалик қилиш ва бошқариш функцияларини бир-биридан ажратиш хусусиятлари ёритилди. «Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида акциядорлар ва корпорация бошқарувчилари ўртасидаги ваколатлар тақсимланиши ҳамда корпорация фаолиятини бошқариш муаммоларини бир-биридан чегаралашнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

4. Бугунги кунда мамлакатда корпоратив муносабатларнинг ривожланиш жараёни иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хосликлари билан боғлиқ жиҳатларга тобора эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувида акциядорлар ваколатини ҳамда нуфузини ошириш, акциядорлар ва компания манфаатлари ўртасидаги тафовут мувозанатини таъминлаш; давлатнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятига аралаштириш даражасини кескин камайтириш билан бир қаторда унинг бошқарув фаолиятида самарали қатнашиш механизминини ишлаб чиқиш; Кузатув кенгаши аъзолари фаолиятини баҳолаш мезонларини, уларга ҳақ тўлаш шакллари ва манбаларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш каби масалаларни ҳал этиш муҳим ҳисобланади.

5. «Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив муносабатлар қатнашчилари ўртасида фойдани тақсимлашда тарқоқлик даражаси билан белгиланадиган акциялар пакетлари нисбати катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда мулкчилик тузилмасини тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткич бутун мамлакатнинг корпоратив муносабатлар асосий қатнашчилари ўртасида акцияларни йирикланган кўринишда тақсимлаш ҳисобланади.

6. «Ўзбекэнерго» АЖда корпоратив бошқаруви сифати уни молиялаштириш коэффицентининг ортиб бориши билан боғлиқлиги аниқланди ва бунинг натижасида корпоратив бошқаруви сифати даражасининг баҳоси уни молиялаштириш коэффицентига тўғри пропорционал эканлигини ҳисобланди. Корпоратив бошқарувнинг сифат даражасини комплекс баҳолаш алгоритми «Ўзбекэнерго» АЖда бошқарув самарадорлигини яхшилаш учун бошқарув жараёнини молиялаштиришга боғлиқ ҳисобланиб, бунда молиялаштириш коэффиценти қуйидаги шартни қаноатлантириши зарур: $1 \geq \pm \Delta F \geq 0$.

7. Электроэнергетика тармоғи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг асосий тамойиллари кузатув кенгаши томонидан корхонанинг «шаффоф» лиги, акциядорлар ва инвесторлар ишончининг ортиши, компаниянинг инвестицион жозибадорлигининг ўсиши, Кузатув кенгаши ва ижроия органлари ҳуқуқларининг чегараланиши, ходимларни қабул қилинаётган бошқарув қарорлари ҳақида кенг хабардор қилинишини таъминлаш, корхона ва унинг тузилмалари ўртасида ташкилий ҳамда молиявий муносабатларни ривожлантиришни назарда тутадиган корпоратив стратегиянинг ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

8. «Ўзбекэнерго» АЖни корпоратив бошқарув фаолияти бўйича Олий мажлисининг Қонунчилик Палатасига ташкилий, ҳуқуқий, мулкый муносабатлар бўйича йилига камида бир марта ҳисобот бериши ва улар фаолиятида мулкый муносабатлар дахлсизлигини сақлаш ҳамда корпоратив бошқарув фаолияти принципларини назорат қилиш шартлари асосида ҳисоботини эшитиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

9.«Ўзбекэнерго» АЖни корпоратив бошқаришда тармоқнинг инновация фаоллигини ва инновация салоҳиятини ишлаб чиқишга тадбиқ этиш ҳамда электроэнергетика тармоғига инновация ютуқларини тизимли жорий этиш, унинг инновация фаолиятини мақсадли режалаштириш орқали самарадорлигини оширишга хизмат қилади. «Ўзбекэнерго» АЖ таркибига кирувчи энергетик корхоналарда инновацион элементларнинг мужассамлиги инвесторлар учун унинг жозибадорлигини ошириш ва самарали ривожланишини янада кучайтиришга имкон беради.

10. «Ўзбекэнерго» АЖни корпоратив бошқарув стратегиясининг ташкилий-иқтисодий механизми корпорациялар ривожланишининг умумжаҳон йўналишлари, электроэнергетика тармоғида корпоратив стратегия, бошқарувни ташкил этиш, бошқарув қарорлари, кадрлар фаолиятини такомиллаштириш нуқтаи назаридан уни бошқаришда мулк эгалари ва менежерларнинг корхона даромадига бўлган манфаатларини рағбатлантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

11.Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган электр энергиясини узоқ муддатли ривожлантиришнинг асосий мақсади иқтисодиёт ва саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада кенгайтириш ҳамда энергетика соҳасида давлатнинг бевосита ва билвосита тартибга солиш функцияларини сезиларли даражада кучайтириш ва кенгайтириш зарур.

12.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз электроэнергетика тармоғини ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қуйидаги йўллар орқали амалга оширилиши мумкин: иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, институционал механизмларни ишлаб чиқиш; электр таъминоти баҳосида кафолатланган ва арзон нархда сотиладиган ижтимоий-иқтисодий ва стратегик мақсадларни таъминлаш; электро-энергетика тармоғининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар сифатида таълим тизимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

13. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кохоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Электроэнергетика корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш кўп жиҳатдан самарали инвестицион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

14.«Ўзбекэнерго» АЖда инновацион фаолиятни бошқаришда таклиф этилган модель, корпорацияда инновацион жараёнларни ривожлантириш, инновацион фаолият бошқаруви самарадорлигини мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш, тармоқда рақобатли ва инвестицион жалб этувчанликни таъминлаш ҳамда корпоратив маданиятни шакллантиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАНКЕЛДИЕВА ГУЗАЛ ШЕРОВНА

**НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ
КОРПОРАЦИЯМИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

08.00.13 – Менеджмент

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

ТАШКЕНТ– 2018

Тема докторской диссертации (DSc) по экономическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1DSc/iqt127.

Докторская диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tdiu.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный консультант: **Гулямов Саидахрор Саидахмедович**
академик Академии наук Республики Узбекистан,
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Йулдошев Нуриддин Курбонович**
доктор экономических наук, профессор

Хошимов Акром Абдиевич
доктор экономических наук, профессор

Суюнов Дилмурод Холмуродович
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.16.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003. г.Ташкент, улица Ислама Каримова 49. Тел: (99871) 233-64-21, факс: (998971) 233-60-01; e-mail: tdiu@tdiu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирована под №____) Адрес: 100003. г.Ташкент, улица имени Ислама Каримова 49. Тел: (99871) 233-64-21, факс: (998971) 233-60-01; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол реестра №____ от «__» _____ 2018 года)

Б.Ю. Ходиев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней д.э.н., профессор

А.Н. Самадов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.э.н., доцент

М.А. Махкамова
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Отношение к корпоративному управлению во всем мире стало более заметнее с начала 90-х годов XX века, когда национальные экономики стали уделять особое внимание формированию крупных корпоративных структур. В течение этого периода были совершенствованы принципы корпоративного управления, созданы международные транснациональные корпорации, внедрены модели корпоративного управления. В настоящее время в практике развитых стран мира осуществляется множество практических работ по теоретико-методологическому изучению развития корпораций, выбору стратегий их управления, комплексной оценке проблем корпоративного управления в акционерных обществах. В мировой практике широко используются три типа моделей корпоративного управления: англо-американская, немецкая и японская модели.

Мировой опыт показывает, что эффективность систем корпоративного управления компанией зависит от внедрения современных принципов и международных стандартов управления, изучения практики эффективных механизмов корпоративного управления в акционерных обществах. Совершенствование научно-методологических основ эффективности корпоративного управления, модернизация, техническое и технологическое обновление стратегически важных секторов экономики является главным критерием развития акционерных обществ в условиях глобализации мировой экономики.

Одной из основных целей осуществляемых реформ в Республике Узбекистан, является создание многогранной экономической среды, передача собственности реальным владельцам и создание широких возможностей для предпринимательства. В целях повышения эффективности управления акционерными обществами в республике разработана нормативно-правовая база, способствующая улучшению деятельности структур корпоративного управления. Однако, внедрение эффективных механизмов управления в корпорациях существует ряд проблем, касающихся интересов государства в корпоративном секторе экономики, принципов эффективного управления корпорациями, внедрения международного опыта с учетом социально-экономических особенностей развития приватизированных систем. В связи с этим, на сегодняшний день научное обоснование вопросов создания эффективного механизма корпоративного управления является актуальной проблемой.

В соответствии с этим, разработанная в Республике Узбекистан Стратегия действий в 2017-2021 годах позволяет внедрить современные стандарты и принципы корпоративного управления акционерными обществами, а также усилить роль акционеров в стратегическом управлении корпорациями¹. В целях эффективного решения вышеуказанных задач возникает необходимость разработки научно-методологических основ корпоративного

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»/ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, 70-статья.

управления в условиях модернизации экономических отношений.

Исходя из вышесказанного, данное диссертационное исследование в определенной степени служит исполнению задач, определенных Законом Республики Узбекистан «О разгосударствлении и приватизации», указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-4720 от 2 апреля 2015 года «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах», постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2454 от 21 декабря 2015 года «О дополнительных мерах по привлечению иностранных инвесторов в акционерные общества» и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Выбранная тема выполнена в соответствии с приоритетным направлением научных исследований «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» и направлено на развитие науки и технологий, а также эффективное управление корпорациями в электроэнергетической отрасли.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации².

Механизмы формирования теоретико-методологических и организационно-правовых основ корпоративного управления служат направлением в поисках повышения путей конкурентоспособности акционерных обществ на внешних рынках, а также позволяют оптимизировать эффективность корпоративного управления ведущих мировых научно-исследовательских центров и высших учебных заведений, в том числе в Сингапурском университете управления (Сингапур), Китайском национальном центре возобновляемых источников энергии (Китай), университете Kyung Hee (Южная Корея), Deutsche Energie Agentur GmbH (Германия), General Electric USA (США), национальной комиссии развития и реформирования (Великобритания), в Санкт-Петербургском университете экономики и менеджмента (Российская Федерация) и в Ташкентском государственном экономическом университете (Узбекистан).

